



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Мургазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
Музаффар Шокиржонович Ахмедов Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Нуриддин Эламонович Эрназаров Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мажит Жанызақович Бауетдинов Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида	166
Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
Олим Мургазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
Илҳом Сайиткулович Очилов Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
Юсуф Ибрагимович Турдибеков Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Джахонгир Расулович Зайналов Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
Хилола Фармоновна Очилова Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
Хилола Нематовна Очилова Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ

Нуриддин Эламонович Эрназаров – СамИСИ, “Молия” кафедраси PhD., доцент в.б.

АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада давлат бюджети даромадларини таъминлашда акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган ҳамда давлат бюджетининг молиявий барқарорлигини акциз солиқлари орқали мустаҳкамлаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети, бюджет даромадлари, солиқ механизми, бюджет барқарорлиги, солиқ тушумлари, акцизоти товарлар, солиқ амалиёти.

Кириш. Замонавий ривожланиш шароитида акцизлар мамлакат бюджет тизимининг даромад қисмини шакллантиришнинг энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш имконини беради. Бугунги кунда акциз солиғини солиқ солиш механизмини такомиллаштириш жараёнлари билан боғлиқ муаммо жуда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Йиллар давомида акциз солиғи тизимини амал қилиш механизми доимий равишда ўзгариб бормоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда давлат бюджети даромадларини таъминлашда акцизоти товарлардан солиқ тушумлар амалиёти ҳали ҳам мукамал эмас. Шу билан бирга, бюджет даромадларини таъминлашда акцизоти товарларни солиққа тортишдан тушадиган тушумлар мисолида кўриб чиқишда уларнинг молиявий йўналишини ҳисобга олиш керак, чунки акциз солиғи акциз тўланадиган товарлар истеъмолини чеклаш сифатида ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Давлат бюджети даромадлари аҳоли фаровонлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, бюджет даромадларини мунтазам ошириб бориш масаласи ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бугунги кунда долзарблик касб этади. Ушбу муҳим вазифа мамлакатимизда тадбиркорликни ривожланиши ҳамда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ташқи бозорда ўз ўрнини топишга хизмат қилмоқда. Зеро, иқтисодий ислохотлар солиқлар, шу жумладан, давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда акциз солиғи таъсирчанлигини оширишга ижобий аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугунги кунда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, давлат бюджети даромадлари барқарорлигини оширишда акциз солиғи таъсирчанлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар кам ўрганилган масалалардан иборат. Шу боисдан ҳам бюджет даромадларини мустаҳкамлаш борасида акциз солиғининг бюджет даромадларини таркибида ортиб бориши ёки пасайиб боришининг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиш муҳимдир.

Хусусан маҳаллий иқтисодчи олим А.С.Жўраев тадқиқотлари мамлакатимизда илк бор давлат бюджети солиқли даромадлари ижросида тўлов интизоми, солиқларни ундиришда бюджетга боқиманда қарздорлик масалалари тадқиқ этилган[4]. проф. Ж.Р.Зайналов фикрича “солиқ назариясидан маълумки, билвосита солиқлар маҳсулот баҳосига ёки хизмат таърифига устама шаклида қўйилиб, олинадиган солиқлардир. Бундай тартиб солиқ тўловчининг даромадига ёки унинг мол-мулкига тўғридан-тўғри таъсир этмайди[5].

И.А. Майбуrow қуйидаги таърифни беради: “Солиқ механизми - бу солиқ муносабатларини ташкил этишнинг турли жиҳатларини тартибга солишнинг шакллари ва усуллари мажмуи бўлиб, уларнинг ҳаракати ва тузилиши давлатнинг молия соҳасидаги бошқарув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади”[6]. Англия иқтисодчиси, файласуф ва жамоат арбоби Жон Стюарт Милл (1806-1873) “бевосита солиқлар солиқ тўловчининг ўзидан ундирилса, билвосита солиқлар бўйича солиқ юки

солиқ тўловчига бошқа шахслар томонидан ўтказилади” деб таърифланган[7]. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, мамлакатимизда бюджет даромадларини мустаҳкамлаш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб беради. Бу эса келажакда самарали ишлаши лозим бўлган акциз солиғини иқтисодий категория сифатида тўрта катта стратегик аҳамиятга эга бўлган муносабатларни ривожлантиришда имконият яратиб бериши лозим. Фикримизча, акциз солиғи механизми бу - солиқ тизимида акцизости товарларни ҳар бир товар позицияси бўйича солиқни ҳисоблаш амалиётини ташкил этишдаги молиявий муносабатлардир. Шу боис, акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш мақсадида акцизости товарлар позицияларини солиққа тортиш амалиётида солиқни ҳисобланиш амалиётини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолани тайёрлашда адабиётларни тизимли таҳлили асосида давлат бюджети даромадларини шакллантиришда акциз солиғининг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ўзида ифода этади.

Таҳлил ва натижалар. Давлат бюджети даромадларини таъминлашда акциз солиғи механизмини такомиллаштиришда бюджетнинг солиқли тушумларида акцизости товарлардан тушумларнинг миқдорига бевосита боғлиқдир. Ушбу солиқли даромадларнинг амалдаги миқдорини таҳлил этиш орқали тушумларнинг миқдорини пасайиши ёки кўпайишига таъсир этувчи омилларнинг таъсирчанлиги маълум даражада давлат бюджетининг даромадлар кўрсаткичига боғлиқдир. 2021-2023 йилларда акциз солиғи тушумларининг акцизости товарлар кесимидаги ҳолати 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил этилаётган амалдаги ҳолатда бюджет даромадларига акциз солиғидан тушум 2021 йилда нисбатан 13,087,0 млрд.сўмни 2022 йилда эса 13,455,0 млрд.сўмни ташкил этган. 2023 йилда 17 884.0 млрд.сўмлик солиқ тушуми тушиши проғоз қилинган. Моҳиятига кўра акциз солиғини кўп ҳолатларда инсон организмга салбий таъсир этувчи маҳсулотлар тамаки ва алкоголь маҳсулотларига қўйилиши эътироф этилган бўлса-да, акцизости товарлар таркибида 2021-2023 йилларда табиий газни реализация қилишдан тушган солиқ тушуми 2021 йил 33 фоиз, 2022 йил 31,3 фоиз ва 2023 йил прогнози бўйича 39.8 фоизни ташкил этиб энг юқори кўрсаткични ташкил этган.

1-жадвал

Акцизости товарлар реализациясидан давлат бюджетига тушумлар таҳлили[1,2,3]

Т/р	Акциз солиғидан тушум жами	2021 й	2022 й	2023 й прог.	2021 йилга нисбатан 2023 йилдаги фарқи % да
		13 087,0 млрд.сўм	13 455,0 млрд.сўм	17 884,0 млрд.сўм	
	Жами	100	100	100	
1	Тамаки маҳсулотларидан	14,7	14,8	14,8	+0,1
2	Алкоголь маҳсулотларидан	12,9	13,3	11,2	-1,7
3	Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларидан	3,9	4,3	3,0	- 0,9
4	Табиий газдан	33,0	31,3	39,8	+ 6,8
5	Мобил алоқа хизматидан	8,3	6,4	5,7	- 2,6
6	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан	22,0	25,1	22,3	+ 0,3
7	Импорт товарларидан	2,4	2,8	2,2	- 0,2
8	Полиэтилен гранулалардан	2,8	2,0	1,9	+ 0,1

2021 йилда тамаки маҳсулотларидан 14,7 фоиз, 2022 йилда 14,8 фоиз ва 2023 йил прогнозига кўра ҳам 14,8 фоизни ташкил этган бўлса, алкоголь маҳсулотларидан мос равишда 12,9 фоиз, 13,3 фоиз ва 11,2 фоизни ташкил этган. Якуний истеъмолчиларга бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан 2021 йилда 22 фоиз, 2022 йилда 25.1 фоизни ва 2023 йил прогнози бўйича 22,3 фоизни ташкил этган. Таҳлил натижаларига кўра кейинги

уч йилда табиий газ реализациясидан тушум +6.8 фоизга, Якуний истеъмолчиларга бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан +0.3 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин, бироқ лекин тамаки маҳсулотларидан +0,1 фоиз ошган бўлса, алкоголь маҳсулотларидан -1,7 фоизга камайган. Мобил алоқа хизматидан тушум эса -2,6 фоизга пасайган. Мобиль алоқа хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи ставкаси 15 фоиздан 10 фоизгача камайтирилган. Мамлакатимизнинг солиқ тушумлари таркибида эгри солиқлар шу жумладан акциз солиғи юқори салмоққа эга. Ушбу солиқ суммасининг ўзгаришига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади.

Солиқ суммасининг ошишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил этиш билан бирга акциз солиқ суммасининг бюджет даромадлари ҳолатига таъсир қилишини кўриб чиқиш лозим. Бюджет даромадларида акциз солиғининг улуши қанча кўп бўлса, бюджет боқимандаларидаги улуши ҳам шунчалик кўпни ташкил этади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат бюджети даромадларини таъминлашда акцизоти товарлардан солиқ тушумларни ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Акцизоти товарларнинг ижтимоийлик моҳиятига эътибор қаратиш лозим, яъни аҳоли қатламининг барчаси фойдаланадиган товарлардан солиқ тушуми ортиб бормоқда. Аҳолининг кам сонли қатлами истеъмол қиладиган товарлар тамаки маҳсулотлари, алкоголь маҳсулотларига солиқ ставкасини ошириш зарур.

Импорт қилинадиган ва ишлаб чиқариладиган акцизоти товарлардан солиқ тушумларни доимий инвентаризация қилиш билан истеъмол қилинадиган акцизоти товарлар балансини аниқлаш.

Акциз солиғи бўйича солиқ имтиёзларини мазмуни тўғрисида тадбиркорларда амалий кўникмаларни шакллантириш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш лозим.

Давлат бюджети даромадларини ошириш мақсадида бугунги кунда истеъмолда бўлган аҳоли солوماتлиги учун зарарли бўлган (энергетик ичимликлар, картошка чипслари) маҳсулотларга акциз солиғини жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сонли “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сонли “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-657-сонли “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни.
4. Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009. – 448 б.
5. Ж.Р.Зайналов ва бошқ. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик – Т.: "Иқтисод-Молия " 2021. -264 б.
6. Теория и история налогообложения: учебное пособие / И. А. Майбуров, Н. В. Ушак, М. Е. Косов. - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. – С.211.
7. Черника. А.Г. Налоги.-М.: Финансы и статистика, 1996.-17 -18 – с.

Н.Эрназаров	N.Ernazarov
Совершенствование механизма исчисления акцизного налога	Improvement of the excise tax calculation mechanism
<p>Аннотация: В данной статье исследуются направления совершенствования механизма исчисления акцизного налога для обеспечения доходов государственного бюджета, а также формулируются научные предложения и практические рекомендации по укреплению финансовой устойчивости государственного бюджета за счет акцизных сборов.</p> <p>Ключевые слова: государственный бюджет, доходы бюджета, налоговый механизм, устойчивость бюджета, налоговые поступления, подакцизные товары, налоговая практика.</p>	<p>Abstract: In this article, directions for improving the excise tax calculation mechanism for ensuring state budget revenues are researched, and scientific proposals and practical recommendations are formulated to strengthen the financial stability of the state budget through excise taxes.</p> <p>Keywords: state budget, budget revenues, tax mechanism, budget stability, tax revenues, excise goods, tax practice.</p>

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023